

# БУХОРО МУСИҚА ФОЛЬКЛОРИНИНГ ТАРИХИЙ-НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

Республика илмий-назарий анжуман материаллари

2020 йил 6 ноябрь



---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БУХОРО МУСИҚА  
ФОЛЬКЛОРНИНГ ТАРИХИЙ-  
НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ  
МАСАЛАЛАРИ**

**Республика илмий-назарий анжуман материаллари**

**2020 йил 6 ноябрь**

**БУХОРО – 2020**

---

## **БУХОРО ФОЛЬКЛОР ҚЎШИҚЛАРИ ХАЛҚНИНГ ИЖОДИЙ МАЪСУЛИ СИФАТИДА**

*Нуруллаев Б.Г., БухДУ “Муסיқа таълими” кафедраси магистранти*

Фольклор қўшиқлари, шу жумладан, Бухоро фольклор қўшиқлари халқнинг ижодий маъсули сифатида шаклланиб, авлоддан авлодга, даврдан даврга ўтиб истеъдодли вакиллари ижросида сайқал топиб, ўзбек халқ поэтик-муסיкий ижоди кўринишини ташкил этган.

Бухоро фольклор қўшиқлари дастлаб қандай яратилган бўлса, ўша ҳолича сақланиб қолмаган, албатта. Халқ томонидан ва халқнинг истеъдодли қўшиқ ижрочи вакиллари томонидан қайта ишланиб, турли ўзгаришлар киритилган. Янги-янги маълумотлар билан бойиб, тарих шароитига, жамиятга мослашиб келган ҳамда сўз, куй ва ижро бирлиги доимо сақланган.

Бухоро фольклор қўшиқчилиқ санъати асослари узоқ ўтмишда яшаб ўтган халқимизнинг эстетик тафақурига бориб тақалади. Ўтмишда сайёҳлар ва тарихчиларнинг афсона ва ривоятлар, турли урф-одат ва маросимлар ҳақидаги ёзма ва оғзаки ёдгорликлари фольклор қўшиқчилиқ санъати учун муҳимдир. Манбаларда ёзилишича фольклор қўшиқларини ёзиб олишдаги биринчи тажрибалар XI асрдан бошлаб амалга оширилган.

Бухоро фольклор қўшиқлари меҳнаткаш халқнинг, болалар ҳаёти ва турмуш тарзини акс эттиради. Халқнинг олам ҳақидаги умумий тушунчаларини, ижтимоий-тарихий, сиёсий, фалсафий ва бадий-эстетик ҳамда муסיкий қарашларини ўзида мужассамлантирган. Буларнинг барчаси Бухоро фольклор қўшиқлари мазмуни ва ғоясининг чуқур халқчилигини кўрсатади. Қўшиқлардаги халқчилиқнинг асосини унинг прогрессив мазмун-моҳияти ташкил қилади.

Бухоро фольклор қўшиқлари ўз хусусиятига кўра ўзбек халқининг бадий-муסיкий ижоди сифатида асрлар давомида яратилган жамоанинг ижод маъсулидир. Чунки Бухоро фольклор қўшиқлари бошқа фольклор асарлари каби бир киши томонидаг эмас, балки бутун бир жамоанинг ижодий тажрибаси асосида вужудга келган ва жамоа томонидан ижро этиб келинган. Иккинчи томондан қаралганда эса Бухоро фольклор қўшиқларининг баъзи бирлари истеъдодли кишилар томонидан яратилиб, ўз қабиласи, уруғи одатлари, эътиқодлари, орзу-истаклари, табиат билан бўлган муносабатлари акс эттирилган. Қабила ва уруғ аъзоларига маъқул тушган шу хилдаги қўшиқлар оғиздан-оғизга ўтиб, жамоа ижодига айланган. Қўшиқлар шу тариқа жамоа орасида такомиллашиб, сайқал топиб халқнинг фольклор мулкига айланган. Якка ижодкор, қўшиқ ижрочиси қанчалик истеъдодли бўлмасин, жамоа ижоди ва ижросининг анъаналарига бўйсунган, халқ ҳаёти, халқ диди ва талабига мослашишга ҳаракат қилган.

Ўзбек фольклоршунослиги, жумладан, Бухоро фольклор қўшиқ

санъатининг бир қатор материаллари хусусидаги қарашлар, қимматли маълумотлар ўрта аср тарихчилари Ҳамза Исфакхоний, Табарий, Маъсудий, Беруний ва бошқаларнинг асарларида кўзга ташланади. “Авесто”, “Беҳустун”, “Бундаҳиши”, “Денкард” каби ёзма ёдгорликларда оғзаки адабиётнинг баъзи бир намуналари ўрин олган. Туркий халқларнинг халқ оғзаки ижодини авлоддан авлодга етказишда алоҳида ўрин тутадиган олимларимиздан бири, Ўрта Ўсиё халқларининг атоқли фарзанди Маҳмуд Қошғарий эса ўзининг машҳур лингвистик “Девону луғотит турк” асарида қадимги қўшиқ, лирик шеър ва мақоллардан турли намуналар беради. Манбаларда ёзилишича Маҳмуд Қошғарий юқори Чиндан бошлаб то Моварауннахр, Хоразм, Фарғона, Бухорога қадар чўзилган ҳудудни бирма-бир кезиб чиқиб халқни яшаш тарзи, касб-кори, урф-одатлари, маданияти ва санъатини ўрганган. Тўплаган манбаларида меҳнат қўшиқлари хусусида тўхталиб: меҳнат қўшиқларида меҳнат билан боғлиқ бўлган ўйинлар, кишиларнинг меҳнатга бўлган муносабати, меҳнат машаққатларини енгиллаштиришга, ҳордиқ чиқаришга, ёшларни меҳнатга кўнантиришга ва ўргатишга ёрдам бераётганлигини ифодалайди.

Умуман олганда, ўзбек фольклор қўшиқчилиги санъати сингари Бухоро фольклор қўшиқчилиги ҳам узоқ тарихдан эътиборан халқ ижодиётига кириб келганлигига гувоҳ бўламиз. Ўзбек халқ оғзаки ижодининг мусиқа санъати ва маданияти билан боғлиқ бўлган афсона ва ривоятлар машҳур тарихий сиймолар Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий, Улуғбек, Машраб ва бошқалар номи билан яратилади. Амир Темур ўз сафарларини бахшиларга дoston қилиб қуйлашни топширган, Тўхтамиш саройида Камолзода ва Жаҳон Мирзо каби жировлар бўлган халқ дostonларига яқин шаклда ёзилган “Або Муслим” китоби XII асрда яратилган. Дoston ўзбек фольклорининг кенг тарқалган ва йирик жанрларидан бири бўлса-да, кичик шаклидаги фольклор қўшиқларининг юзага келишига ҳам муҳим аҳамият касб этган. Шу хилдаги ҳолатлар Бухоро фольклор қўшиқ санъатининг ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатиб келган деб ўйлаймиз.

Агар ижодкор халқ бадиий сўзнинг ёш авлод тарбиясидаги кучи ва жозибасига қадим замонлардан ишонган деб айтадиган бўлсак, унда халқ ўзининг энг ноёб фольклор жанридаги қўшиқларини сўз мўжизаси ва мусиқанинг сеҳрли оҳанги билан бунёд этган. Шу хилдаги бунёдкорлик Бухоронинг “Мавриги”, “Бухорча” ва болалар, ёшлар фольклор қўшиқларида ҳам ўз ифодасини топган. Яъни, катталар ижодкорлиги билан бир қаторда болалар, ёшлар фаолиятида ҳам ижодий ишлар шаклланиб, ривожланиб келган. Бухоро болалар фольклори айнан болалар олами билан катталар дунёсининг уйғунлашуви оқибатида юзага келган ўйинлар, қўшиқларнинг бутун бир тизими тарзида таркиб топган. Бухоро болалар фольклор қўшиқларини яратишда катталар ҳам болалар ҳам биргаликда, барабар ҳисса қўшган. Болалар фольклор қўшиқлари болаларда энг яхши

фазилатларни – ватанпарварлик, меҳнатга муҳаббат, кишиларга ишонч, дўстларга саоқат туйғуларини катталар билан бирга табиатнинг салбий ходисаларига қарши курашиш ва уларни енгиш малакасини тарбиялайди. Катталар кичик ёшдаги болаларни эркалаш шеърларини яратишганки, алла, айтим, олқиш, овутмачок, кизикмачок сингари эркалаш хусусиятларига эга бўлган бу жанрлар оналик фольклори тарзида ифодаланган.

Бухоро фольклор кўшиқлари намуналарини ўрганиш шундан далолат беради-ки, кишилар ўз меҳнатларини, турмушдаги барча воқеаларни кўшиқ билан беаганлар. Юқорида қайд қилиб ўтилганидек, фольклор ижодиёти бойликлари ичида катталардан мактаб ёшидаги болаларга мерос қоладиган кўшиқларнинг салмоқли тури меҳнат кўшиқларидир. Меҳнат кўшиқлари халқ шеъриятининг энг аввалги турларидан бири бўлиб, уларнинг яратилиши ва ижро этилиши катталарнинг ҳамда болаларнинг меҳнат жараёни билан боғлиқдир. Болалар деҳқонларни, ҳунармандларни ишлаб туриб кўшиқ айтганларини кўрган, эшитган, завқланиб ўзлари ҳам шеърлар тўқиган ва куйга солиб ижро этиб юрган. Кўшиқнинг катталар меҳнатларини енгиллатганлиги, айрим сўзлари, ундов нидолари кўпчиликни баравар ҳаракат қилишга даъват этган ҳолатлари болалар фольклор кўшиқларида ҳам кўзга ташланади. Шу сабабдан кўп кўшиқлардаги сўзлар, вазн, қофия ихчам, аниқ бўлган. Айрим сўзлар вақт-вақти билан такрорланиб, ҳайқирик, чақирик ва мамнунликни билдирувчи нидолар алоҳида оҳангда айтилиб турилган.

Катталар фольклор кўшиқлари, шунингдек, болалар фольклор кўшиқлари ичида мавусмий кўшиқлар алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Маълумки, баҳор фасли келиши билан болалар ўйинларини бошлаб юборадилар. Ўғил болалар осмонга варрак учирадилар. Қиз болалар сочларига баргак тақадилар. Болалар тол чивикларини кўл билан укалаб, эҳтиёткорлик билан пўстини шилиб, ўзларига сибизғалар ясайдилар. Баҳор даракчиси “Бойчечак” гулини кўриб завқланадилар, кўшиқ куйлайдилар. “Читти гул” эса уларни янада завқлантиради, илҳомлантиради, ўйнаб туриб кўшиқ куйлашга чорлайди. Профессор О.Сафаров “Читти гул” ҳақида сўз юритиб “читти гул” ибораси аслида “чикди гул” бўлганли, лекин болалар талаффузида “чикди” сўзи “читти”га айланиб қолганлигини ёзади[78].

“Читти гул” ўйин-кўшиқ шаклида ижро этилади. Кўшиқ ижроси ўйин ҳаракатлари билан уйғунлашиб ўзига хос ижодий манзарани ҳосил қилади. Кўшиқ оҳангининг ритми ўйинга ўлчов мезони бўлиб, кўшиқнинг мазмунини бойитади, болаларга куч, ғайрат, ҳаракат бағишлайди. Болалар бир вақтнинг ўзида ўйиндан ҳам маънавий, ҳам жисмоний, ҳам эстетик жиҳатдан роҳатланадилар. “Чидти гул” ўйин-кўшиғини қизлар жуфт-жуфт бўлишиб, кафтларини бир вақтда бир-бирига уриб, айланишиб, яна уруштириб, кўшиқ айтадилар. “Читтигуло- читтигул”, дейилганда қизлар

юзма-юз турадилар. Қўллари маълум тартиб билан бир-бирларига қарсиллаб тегиб, чиройли оҳанг касб этади. “Ҳай-ю, читтигул, ҳай-ю читтигул” дейилганда қизлар бир хил мақом билан турган жойларида гир айланадилар.

Болаларнинг мавсумий фольклор қўшиқлар туркумига тегишли “Лайлак келди, ёз бўлди”, “Офтоб чиқди оламга” ва бошқа қўшиқларни ҳам мисол қилиб айтиш мумкин. Болалар ёз фаслида “Лайлак келди, ёз бўлди” қўшиғини купроқ айтиб юрадилар. Бу қўшиқ кунларнинг исишидан, экинларнинг унишидан, куз-қиш мавсумида бошқа иссиқюртларга кетиб қолган қушларнинг қайтиб келганлигидан, ариқлардан сувларни тўлиқ оқишидан, болалар кўнглида қувонч уйғонади. “Офтоб чиқди оламга” қўшиғи эса офтобнинг чиқиши билан болалар, катталар қувончига қувонч, шодлик бағишлайди. Қўшиқ бора-бора маиший тус олади. Яъни болалар янги ҳосилдан олинган буғдойлардан ун қилиниб, тандирларда нон ёпилиши ва тўйиб нон ейиш имкони ҳосил бўлганидан завқланиб, қувониб, шодланиб қўшиқни кулайдилар. Шеър воқеаси қисқа бўлиб, бола холасидан кулча сўрайди, холаси эса жиянидан ўтин терб кел, дейди. Жияни ўтин териб келади, хола тандирга ўт ёқиб, кулча ёпади. Афсуски, пишган кулчадан ўтин термаган холасининг ўғли ёғлиқ, бутун кулча олади, жияни эса, “шунча ишласада”, атиги қуюқ олиб қолади. Бу ўринда бола “қорнидан кўра қадрига” хафа. Қўшиқнинг айтилиши боиси шунда бўлса керак. Бу қўшиқ деярли ҳамма вилоят, туманларда айтиладиган қўшиқ. Унинг элементлари маҳаллий тил, шева, шароит, одатларга қараб ўзгараверади.

Бухоро фольклор қўшиқлари фақатгина анъанавий ижрочилик намуналари бўлиб қолмай, айтилиш пайтида халқ ўртасида кенг тарқалган, абадий воқеликка мансуб ижод ва санъат деб баҳоланмоғи зарур.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Жўраев М. Фольклоршунослик асослари. (Ўқув қўлланма). –Т.:Фан, 2009. – 192 б.
2. Жўраев М. Ўзбек мавсумий маросим фольклори. (Ўқув қўлланма). –Т.: Фан, 2009. – 294 б.
3. Лутфуллаев Х. Фольклор яқка қўшиқ ижрочиличи (Ўқув қўлланма). –Т.: Республика методика ва ахборот маркази. 2008. -80 б.
4. Сафаров.О., Атоев О., Тўраев Ф. “Бухорча” ва “Мавриги”тароналари. – Т.: “Фан”, 2005. – 278 б.
5. Сафаров О. Фольклор бебаҳо хазина. - Т.: “Мухаррир” нашриёти.2010. – 176 б.
6. Мадримов Б., Тўраев Ф. Фольклор қўшиқлари – эстетик тарбиявоситаси. // //Халқ таълим ж. 2005. 4-сон. –Б. 116-118.